ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
O'.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

2006 йил 16 сентябр, шанба № 153 (2202)

## Ватан манзаралари



Икромжон ҲАСАНОВ олган сурат


### Саҳифаларда:

**Янги қанотлар**

Собиқ иттифоқ даврида қўлланилган плуг, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи мосламалар ҳанузгача ишлатилиб келинмоқда. Улар ўрнига обдон синалган, янада ихчам механизмлар ихтиро этиш вақти келмадимикан?

Ушбу саволга Навоий машинасозлик заводи қошида Лаккай Николаев раҳбарлигида ташкил этилган ижодий гуруҳ аъзолари ихтиро этган ҳамда синов жараёнларида анча афзал деб топилган техник мосламалар тўғридан-тўғри амалий жавоб бўлади.

2

**Зулм исканжасида**

Биз зулмлар исканжаси остида яшадик. Аммо, ана шу ўтган йиллар давомида халқимиз қалбини Озодлик туйғуси бирор кун бўлсин, тарк этмади. Мустамлакачилар эса бу туйғуни сўндириш учун бирбиридан даҳшатли чоратадбирларни ўйлаб чиқардилар. Айниқса, шўролар давлат тепасига чиқишгач, маҳаллий халққа шафқатсизларча муносабатда бўлишди. Улар қирғин ва қатағонни инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражага етказдилар.

3

**Жиноят фош этилади**

— Барча оператив чоралар кўрилди, деб ҳужжатларни расмийлаштириб бераман. Барибир топилмайди. Нима, шунинг учун сиз билан мани чиқариб отармиди?

— Отишга-ку отмайди, жиноятни очганда ҳам мукофот беришмас... аммо, азоб есак ҳам, жиноятни тўлиқ фош қилсак, кўп йиллар ўзимиздан ўзимиз рози бўлиб юрамиз. У сассиқ чолми, хушбўй гўдакми, барибир инсон. Уни ҳам қонун ҳимоя қилади.

9

**Пул йиғувчи**

**ёки шунақа касб ҳам борми?**

Аждодларимиз ҳам тўйлар қилишган. Аммо бундай манзара кузатилмаган. Тўғри, ўша тўйларда ҳам «қистир-қистир»лар бўлган. Бироқ, у вақтларда даврадагилар "муллажиринг"ни хоҳласа чўнтагига солган, хоҳласа хонандага берган. Бу ҳолат ҳеч кимни ўйлантирмаган ҳам.

12


* TV ДАСТУРИ * СКАНВОРД *

## Фермерликда ихтиро

# Янги қанотлар

***Ҳар қандай ишда ҳам самарали натижа ўз-ўзидан келавермайди. Бунинг учун кунт, сабр-бардош ва ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш керак. Шу билан бирга иш қуроли ҳам у ёки бу ишларнинг битиши, оғиримизнинг енгил, мушкулимизнинг осон бўлиши йўлида ҳал қилувчи омиллардан саналади.***

Президентимиз фермерлар ҳаракатини ривожлантиришга баҳо берар экан, «Нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди» деган эди. Бинобарин, мамлакатимизда кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракати ўз натижаларини кўрсатмоқда. Ердан омилкорлик билан фойдалана билган фермерлар ҳам ўз оилаларини моддий жиҳатдан ўнглаб олишмоқда, ҳам давлат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳиссаларини қўшаётир.

Ер ҳақиқий эгасини топаётган шу дамларда яна бир муаммо кўзга ташланади. У ҳам бўлса деҳқонга яқин мададкор, ишига унум бера оладиган пўлат техника ҳамда машина мосламаларининг тақчиллигидир.

Бу борада ТТЗда тайёрланаётган ва лизинг орқали етказилаётган тракторлар муаммонинг имкон қадар бартараф этилишида яхши самара бермоқда. Лекин шунинг ўзи етарли эмас. Деҳқонга юқори қувватга эга бўлган, бир неча юмушни бирatўла уддалай оладиган, замонавий техника зарур.

Собиқ иттифоқ даврида қўлланилган плуг, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи мосламалар ҳанузгача ишлатилиб келинмоқда. Улар ўрнига обдон синалган, янада ихчам механизмлар ихтиро этиш вақти келмадимикан?

Ушбу саволга Навоий машинасозлик заводи қошида Лаккай Николаев раҳбарлигида ташкил этилган ижодий гуруҳ аъзолари ихтиро этган ҳамда синов жараёнларида анча афзал деб топилган техник мосламалар тўғридан-тўғри амалий жавоб бўлади.

Аввало 2 ярусли осма плуг (ПНЯ-4-45) мосламаси хусусида тўхталиб ўтсак: бу мосламанинг афзаллиги шундаки, плугнинг олд қисмида тупроқнинг юза қатламини 20-25 сантиметрга ағдариб берувчи махсус мослама ўрнатилган. Плугнинг асосий иш органи эса илдиз қолдиқларини 45 сантиметр чуқурликка ташлаб кетади. Бу эса ушбу қолдиқларнинг то баҳоргача чириб, маълум маънода ўғитга айланишини таъминлайди.

Мазкур универсал плуг трактор от кучи бўйича 3+1 ёки 4+1 вариантга мослаштирилиши мумкин. Энг асосийси плугга ўрнатилаётган эҳтиёт қисмларнинг барчаси ана шу заводнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Қатор орасида ишловчи озуқалантирувчи юмшатгич — «РУН-2-Н» қишлоқ хўжалик машина (мослама)си эса пахтазорлар биринчи бора суғорилгач, қатор орасида ишлатишга мўлжалланган. Ерни 45-50 сантиметр чуқурликда юмшатиб берувчи ушбу мослама билан бир вақтнинг ўзида ана шу чуқурликка минерал ва майдаланган маҳаллий ўғитлар ҳам етказиб берилади. Ҳар йили ғўза ва бошқа экинлар суғорилгач, илк культивация шу тартибда амалга оширилса, экин майдонида бегона ўтлар кескин камаяди.

ОЮ-1-МС мосламаси 76-80 сантиметрлик ер қатламини ёриб, тупроқни юмшатади. Маълумки, шўрхок майдонларда шўр ювиш пайтида сувлар 25-40 сантиметр чуқурликда ҳаддан ташқари зичликларни ҳосил қилади. Бу айниқса, далаларда оғир ғилдиракли тракторлар ишлаши ва ҳар йили шудгорни бир хил чуқурликда ҳайдаш оқибатидандир. Натижада сув ўша қатламдан ўтмай, сақланиб қолиши оқибатида такрорий шўрхоклик пайдо бўлаверади. Оқибатда ҳосилдорлик ҳам камая боради.

Агар ҳар 3-5 йилда бир бора ана шу ОЮ-1-МС мосламасидан шудгор қилиш олдидан фойдаланилса, шўрхокликнинг олди олинган бўлади.

Ҳозирда Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари фермерлари учун МТПлар буюртмаси асосида 82 дона ана шундай мосламалар тайёрланмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида биз Навоий КМКга қарашли мазкур заводда бўлиб, ихтирочилар фикри билан қизиқдик.

— Бугунги кунда диёримиз далаларида 15 мингга яқин плуглар ишлатилмоқда, — гап бошлади завод директори Одил Муродов. — Очиғини айтадиган бўлсак, уларнинг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолган. Заводимиз ана шу плугларни қайта таъмирлаб, исталган эҳтиёт қисмларни етказиб беришни режалаштирган.

Шундан кейин мазкур техникалар синовдан ўтказилган Қизилтепа тумани далалари томон йўл олдик. Ижодий гуруҳ аъзоси, ҳозирда ана шу муқобил МТП раҳбари бўлган Обиддин ака Аҳроров билан мададкор техникалар синовдан ўтказилган тумандаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги далаларида ҳам бўлдик. Техникалар кўмагида 600 гектар ерда бегона ўтлар камайиб, ҳосилдорлик юқори бўлишига эришилган. Бу қулайликларни деҳқон ва фермерларимиз чинакам Истиқлол туҳфаси, дея ифтихор билан айтиб ўтишди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Озод юрт фарзандлари

***Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларга алоҳида эътибор берила бошланди. Уларни етук ва ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш асосий мақсадлардан бири сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 10 июнда «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Аёл зотига эҳтиром ва эъзоз, ижодкорга ва шеъриятга бўлган юксак ҳурмат намунаси сифатида таъсис этилган ушбу мукофотга етти йилдан бери истеъдодли қизларимиз сазовор бўлиб келмоқдалар.***

# Мақсадимиз — мукофотга муносиб бўлиш

Зулфия мукофоти танловлари айрим ҳолларда шунчаки хўжакўрсинга ўтказилиши каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туриши ачинарлидир. Айниқса, буни ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда камдан-кам ҳолларда танловларни оммавий тарзда, кўп ҳолларда эса шунчаки ўтказилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бу ҳолатларга чек қўйиш мақсадида ушбу фармоннинг ижросига Қўмита билан бир қаторда Халқ таълими тизими, Ўрта махсус таълим маркази ва ёшлар билан ишловчи бошқа ташкилотлар ҳам бирдек масъул эканини инобатга олиб, «2006 йилда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Зулфия номидаги давлат мукофотига бўлиб ўтадиган танловлар самарадорлигини ошириш ва мукофот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Ҳамкорлик Дастури»ни ишлаб чиқди. Дастурга мувофиқ жорий йилнинг 15,16,17 май кунлари ҳудудларда мукофотга танловлар бўлиб ўтди.

Ёш ўқувчи қизлар орасида ўтказилган Иншолар танлови ҳам шулар жумласидандир. Унда ўн мингдан ортиқ ижодий ишлар кўриб чиқилди ва ғолибликни қўлга киритган етти нафар ўқувчи қиз Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Россия элчихонаси ҳомийлигида «Бўстон» санаторийсига бир ҳафталик йўлланма билан тақдирландилар.

Танлов таассуротлари, қолаверса, оромгоҳ бағридаги завқли онлари билан танишиш мақсадида улар билан суҳбатлашдик.

– Барчамиз истиқлол билан тенгдошмиз, – гап бошлади ўзини Нодирабегим Муртазаева деб таништирган, кўзлари кулиб турган қиз. – «Зулфия мукофоти нима ва унга кимлар муносиб?» мавзуида иншо ёздик ва танловда ғолибликни қўлга киритдик. Олдиндаги асосий мақсадим – Зулфия мукофотини қўлга киритиш. Бунинг учун кўп ҳаракат қилишим ва изланишим кераклигини ҳис қилиб турибман.

– Уйимиздаги муҳит мени адабиёт, санъатга ошно қилди. Шунинг учунми қўшиқ айтишга, шеър ёзишга иштиёқим баланд,– дейди фарғоналик Гулҳаё Жўраева.

– Асосий мақсадимиз фақатгина мукофот соҳибаси бўлиш эмас, балки мукофотга ҳар доим муносиб бўла олишдир, – суҳбатга қўшилади Комила Тўраева. – Мукофот соҳибалари бўлган Гулжамол Асқарова, Гулчеҳра Зокирова, Камола Эрматоваларга ҳавасим келади, уларга ўхшашга ҳаракат қиламан.

Суҳбатни гуруҳ раҳбари, Республика техник ижодиёт марказининг бўлим бошлиғи Зуҳра Қодирова билан давом эттирамиз.

– Бугун қизларимиз санаторийдаги даволанувчилар учун «Зулфияхоним қизлари» деб номланган дам олиш кечасини ўтказмоқчилар. Қизларимизнинг ҳар бири ўзига хос иқтидорга эга. Дилрабою Дилфузанинг шеърлари, Соҳибанинг чеварлиги, Манзура чизган расмлар кишини ўзига ром этади. Уларнинг шеърларида эзгуликка интилиш яққол намоён бўлиб туради:

***Ҳамроҳим, шеъргинам, қани бор,***
***Маскан эт энг гўзал юракни.***
***Доимо Оллоҳим бўлсин ёр,***
***Эзгуликка элтгин тилакни...***

Қизларимизнинг орзулари баланд, юрт учун, Ватан равнақи учун хизмат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ана шу эзгулик йўлида уларга муваффақият тилаймиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## Тадбир



Нуронийларни эъзозлаш дунёдаги энг катта савоблардан саналади. Зеро, улар хонадонларимизнинг файзи, ҳар масалада маслаҳатгўй, суянчиқларимиз ҳисобланишади. Шунинг учун ҳам ҳамиша кексаларимизга уйимиз тўридан жой бериб, дуоларини олишга ҳаракат қиламиз.

# ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма Марказий Кенгаши томонидан тизимда узоқ йиллар меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийларга ҳурмат-эъзоз кўрсатилганлиги ана шундай ўлмас миллий қадриятларимиз намунаси бўлди. Бундай эътибор табаррук инсонлар қалбига чексиз қувонч олиб кирди. Уларнинг юзкўзида бахтиёрлик, севинч ифодаси сезилиб турди.

— Кўп йиллик тажрибага эга кекса кишиларни бир пиёла чойга таклиф этиб, уларнинг ўгитларини тинглаш бизда анъанага айланган. Уларнинг пурмаъно сўзлари ёшлар учун ниҳоятда қимматга эгадир. Шу боис, ёши улуғ инсонларни қанча ардоқласак оз, — дейди Марказий Кенгаш раиси Чори Шодиев.

Тадбирда улар шаънига илиқ сўзлар, тилаклар айтилди. Ўз навбатида, меҳнат фахрийлари қадр-қимматларини ўрнига қўйиб, эзгу ишлардан толмаётган тармоқ касаба уюшмаси вакилларига миннатдорчиликларини изҳор қилишди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## Донолар демишки...

*Гар йўқтур адаб,*

*не суд олтун унидин,*

*Элнинг адаби хушроқ*

*эрур олтунидин.*

***Алишер НАВОИЙ***

## Ахборот

# АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ангрен шаҳридаги марказий шифохона, туғруқ мажмуаси, тез тиббий ёрдам бўлими ва бир қанча шифо масканлари таъмирланди. Бунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, касаба уюшма ва бошқа ташкилотлар ҳомийлик кўрсатишди.**

**Энди шаҳар аҳолисига шинам, кўркам хоналарда малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Тез тиббий ёрдам бўлимига Осиё тараққиёт банки томонидан 1 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олиб берилди.**

**Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вакиллиги ўқув семинарлари олиб бормоқда. Бирлашган касаба уюшма вакиллиги томонидан 125 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ўқув қуроллари, 74 нафар тиббий ходимга 230 минг сўмлик моддий ёрдам ва саломатликларини тиклаш учун 24 нафар ходимга сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди.**



**Дилдора ИСАҚУЛОВА,**
**Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашининг Ангрен шаҳар вакиллиги**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

Жавоб

## «МУЛК ҚАДРИГА ЕТГАН МУЛКДОР БЎЛАДИ»

**«Ишонч» 2006 йил, 2 август**

Асака тумани ҳокимлиги танқидий мақолани тегишли мутасаддилар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқди.

Тадбиркор И. Бадалов ўтган йили «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги тасарруфидаги чорвачилик комплексини белгиланган тартибда «Ким ошди» савдоси орқали сотиб олиб, «Андижон баҳодири» фермер хўжалигини ташкил этган. Ҳозирги кунда мазкур хўжаликда чорва бош сони 300 тага етказилган.

«Андижон баҳодири» фермер хўжалигидаги 300 бош чорва учун белгиланган меъёр бўйича ҳар бош шартли молга озуқа экинлари экиш ўртача 0,30 гектардан ҳисобланганда, жами 90 гектар ер ажратиб бериш талаб этилади.

Тасарруфдаги ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилганлиги муносабати билан экин майдонлари узоқ муддатли шартнома асосида уларга бириктириб берилган. Шу сабабли «Андижон баҳодири» фермер хўжалигига чорва озуқаси учун қўшимча ер ажратиб бериш масаласи шу йил қишлоқ хўжалиги экинлари йиғиштириб олингандан сўнг ҳал этилиши ҳамда мазкур долзарб масала туман ҳокимлигининг алоҳида назоратига олинганини маълум қиламиз.

**Л. АРИПХАНОВ,**
**Асака тумани ҳокими**

Хабар

## «Билимлар куни»га бағишланди

***Янги ўқув йили бошланиши ва сўнгги қўнғироқ таассуротлари ҳеч қачон қалбни тарк этмайди.***

***Ёзёвон тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 2-умумий ҳамда 35-ихтисослаштирилган гимназия мактабларида «Билимлар куни»га бағишланган тадбир ўқувчилар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. Унда иштирок этган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Собиржон Саидхўжаев 1-синф ўқувчиларига Президент совғаларини топширди. Шунингдек, таълим соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ педагог ходимлар Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланди.***

### Донолар демишки...

*Ёшлигингда кексалик*

*учун доноликни тўпла.*

*Чунки ундан ишончли-*

*роқ бисот йўқ.*

**Приеналик БИАНТ**

Мулоҳаза

## ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР ҚАЧОН ЭПАҚАГА КЕЛАДИ?

Истиқлол шарофати билан барча соҳалар қаторида йўлларни жаҳон андозаларига мослаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Илгариги ўнқир-чўнқир кўчалар асфальтланиб, ҳар жиҳатдан қулай ҳолатга келтирилмоқда.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам бундай эмас. Масалан, Тошкент — Урганч катта трассасининг Каттақўрғон шаҳридан Навоий вилояти ҳудудигача, Хазорасп туманидан «Саримой» постигача бўлган йўллардаги аянчли аҳвол кишини ранжитади. Оғир юкли машиналарнинг серқатновлигидан бир неча километрдаги асфальт ўйилиб кетган.

Нафсиламбирини айтганда, ҳар йили ёз мавсумида бу жойларда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бироқ асфальтга ишлатиладиган хомашё меъёр даражасида эмаслигидан бўлса керак, икки-уч ой оралиғида яна эски ҳолатни кўриш мумкин. Боз устига айнан ана шу жойларда йўллар жуда тор, атрофи муҳофазаланмаган, ҳар дақиқада кўнгилсиз воқеалар содир бўлиш хавфи бор..

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича кейинги икки йилдаги аҳвол таҳлил этилса, у дилни хушнуд этмаслигини тегишли мутасаддилар яхши билишади. Соҳа мутахассислари, хусусан, «Хоразмавтойўл» ҳамда «Самарқандавтойўл» йўл қурилиши ҳудудий шўъба ташкилотлари жамоалари бу борада аниқ тўхтамга келиб, йўловчиларга қулай шароитлар яратиб бериш учун зарур чораларни кўрадиган вақт етиб келмадимикан?

**Раҳимжон БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти**

Ислоҳот яратган имкон

## ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

***Янгийўлда фаолият кўрсатаётган «Авесто-Шамс» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида чиқиндилардан турли ҳажмдаги қутилар, ҳар хил диаметрли қувурлар, шиша идишлари ва бошқа хўжаликбоп зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.***

Замонавий технология билан жиҳозланган фирма йилига минг тоннадан ортиқ полимер ва пластмасса чиқиндиларини қайта ишлаш қувватига эга. Шунингдек, корхонада чигит экиш даврида фойдаланилган ва чиқинди ҳолатига келган плёнкаларни ҳам қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Корхона атроф-муҳит экологиясига деярли зарар етказмайди. Агар у тўла қувват билан ишласа, бир йилда атмосферага бор-йўғи 75 килограмм неорганик чанг чиқарар экан. Бу эса рухсат этилган меъёрдан анча кам. Энг муҳими, кичик корхона ишга туширилгандан сўнг ўнлаб ёшлар доимий иш билан банд бўлди. Маҳсулотларга эса кун сайин талаб ортмоқда.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**ишчи**

Тадбиркорлик

## Мижозга сифатли хизмат

**Бўка шаҳридаги «Техчорвасервис» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси янги ишчи ўринлар барпо этиб, ишлаб чиқаришни ривожлантираётган корхоналар сирасидан. Қишлоқ хўжалиги ташкилотларига транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган ушбу корхона жамоаси буюртма асосида фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 109 миллион сўмлик иш бажарилди. Ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишга 497000 сўм сарфланди.**

**Жамоа савоб ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Ҳар йили «Наврўз» маҳалласи ҳудудида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти.**

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**Тошкент вилояти**

Ҳиммат

## ТАЛАБАГА ҚАЙИШГАН ИШБИЛАРМОН

Бухоролик Дилором Файзиевани нафақат тадбиркор, балки саховатли инсон сифатида ҳам яхши билишади. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар туфайли кўплар қатори опа ташландиқ ҳолга келиб қолган жойни обод қилиб, «Олмос» номли хусусий корхонани ташкил этган эди.

Инсонга наф келтиришни ўзи учун олий бахт, деб билган Дилором опа даставвал ишлаб чиқаришни ривожлантириб, 20 нафар кишини иш билан таъминлади. Даромадидан замонавий меҳмонхона қурди. Шаҳар марказидаги 35-маҳаллада яшовчи 18 та кам таъминланган хонадонлардан ҳимматини аямади.

Жорий йил бошидан Бухоро Давлат университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан шартнома тузиб, 20 нафар талабага ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Касабақўм раиси Ғиёс Саломовнинг таъкидлашича, «Олмос» хусусий корхонаси жамоаси талабалар ётоқхоналарини таъмирлаш, бу ердаги кутубхонани бадиий китоблар ва қўлланмалар билан тўлдиришга ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

**Наврўз УСМОНОВ,**
**Бухоро вилояти**

Ташаббус

## Саховат акцияси тадбири

Андижон вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида «Саховат» акцияси тадбирлари давом этмоқда. Бу галги автоюриш Олтинкўл, Балиқчи ва Улуғнор туманларида амалга оширилди.

Шу куни ўзгалар парваришига муҳтож, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Уларга ҳиммати баланд ҳомийлар, жамоатчи ташкилотлар томонидан мурувват кўрсатилди.

Балиқчи туманидаги Омонариқ ҳамда Исломобод маҳаллаларининг фуқаролари Робияхон Тошпўлатова, Фагина Сафина, Улуғнор тумани тасарруфидаги «Чўлобод» маҳалласида яшовчи Григорий Гладков ва унинг рафиқаси беминнат ҳомийликдан баҳраманд бўлишди.

Улуғнорлик «Давронбек» фермер хўжалиги бошлиғи Инобатхон Саидова иккита кам даромадли оилага соғин сигир совға қилди. Фотимахон Дўлтаева фарзандларининг оғзи оққа етганидан бениҳоя хурсанд. Фермер хўжалиги ишчиси Баҳриддин Парпиевлар хонадонида бугун шоду хуррамлик.

Акция баҳонасида туман марказий шифохонасига қарашли «Чўлобод» даво масканига телевизор, бемор болаларга эса турли совғалар топширилди.

Хайрли тадбир ҳақиқий саховат байрамига айланди. Бунда «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний», «Қизил ярим ой» жамиятлари вилоят бўлими вакиллари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

**М. МИРЗААБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилояти**

Тажриба

## ПИЛЛА — ЭПЛАСА ТОЛАСИ ТИЛЛА

***Наманганлик кумуш тола ижодкорлари саноатимиз учун зарур бўлган ана шу хомашёни чиқитсиз технология асосида парваришлаш ҳадисини олишган. Жорий йил мавсумида 41 минг қути курт шунча хонадонда плёнка остида парваришланганди. Натижаси ёмон бўлмади.***

***Асосий буюртмачи — «Наманганатлас» ҳамда «Уйчи-ипакчи» ҳиссадорлик жамиятларига режадагидан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Хомашё сифатини яхшилашда Хитойдан шартнома асосида келтирилган уруғ ва плёнка остида парваришлаш тажрибаси асқотганини оила пудратчилари мавсум жараёнида кузатишганди. Бу усул келажакда соҳани ривожлантириш ва етиштирилаётган маҳсулотни юз фоиз шу жойнинг ўзида қайта ишлаш имкони борлигини кўрсатмоқда.***

***Вилоят пиллакорлари ипак қурти парваришлашнинг яна бир усулини синаб кўришмоқда. Аниқроғи, Жанубий Корея билан ҳамкорликда 1 сентябр куни саккизта туманда такрорий ипак қурти парваришига киришилди. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, деган умид бор. Келажакда у ўзини оқласа, Тўрақўрғон, Чуст, Поп ва Косонсой каби шу соҳага ихтисослашган туманларда кичик саноат корхоналари қуриб, аҳоли талабига мос турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Ҳозирча, бунга тайёргарлик кўриш билан бирга, тут ва тут плантацияларини кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Куз мавсумида ҳар бир туманда 5 гектардан янги тутзорлар барпо қилиш тадориги кўрилган.***

**Абдуллажон ОТАМИРЗАЕВ,**
**Наманган вилояти**

> **Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

## ✓ Қатағон қурбонлари

# Зулм исканжасида



Биз зулмлар исканжаси остида яшадик. Аммо, ана шу ўтган йиллар давомида халқимиз қалбини Озодлик туйғуси, бирор кун бўлсин, тарк этмади. Мустамлакачилар эса бу туйғуни сўндириш учун бирбиридан даҳшатли чора-тадбирларни ўйлаб чиқардилар. Айниқса, шўролар маҳаллий халққа шафқатсизларча муносабатда бўлишди. Улар қирғин ва қатағонни инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражага етказдилар.

Ўзбекистон ҳудудида махсус учлик (тройка) қарорига биноан 18 минг 652 нафар киши азоб-уқубатларга дучор қилинди. Шуниси ҳайратланарлики, 20-30-йилларда олиб борилган жамоалаштириш оқибатида Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар оммасининг катта бир қисми мислсиз азоб-уқубатлар гирдобида қолиб, бутун молдунёсидан маҳрум этилиб, сургунга юборилган ёхуд отиб ўлдирилган. Сўнгра мамлакатимиздаги зиёлилар "Халқ душмани", "Ватан хоини", "Советларга қарши" каби айблар билан одам оёғи етмас, совуқ ўлкаларга бадарға қилинганлар ёхуд ГПУ-НКВДчилар томонидан отиб ўлдирилиб, ном-нишонсиз йўқотиб юборилганлар.

Абдурауф Фитрат, Турор Рисқулов, Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби миллатпарварлар қаторида вилоятимиздан ҳам кўплаб зиёлилар қатағон этилди. Жумладан, Қурбон Берегин, Худойберган Девонов, Мулла Бекжон Раҳмонов, Ҳожи Муҳаммад Аминаддинов, Марям Султонмуродова ва Раҳмат Мажидий сингари эл-юрт иши учун фидойи инсонлар ҳам бу балои офатга гирифтор этилган. "Халқлар отаси" вафотидан сўнг уларнинг номларига тиркалган қора доғлар олиб ташланди, омон қолганлари ўз она Ватанига қайтсаларда барибир улар кўп йиллар шубҳа ва гумон остида яшадилар.

Республикамиз мустақилликка эришгач, қатағон қилинганларга муносабат ўзгарди. Ҳақиқат қарор топди. Миллатпарвар оталар номи абадийлаштирилди.

Ўзбек адабиётининг жонкуяри Абдулла Қаҳҳорнинг ён дафтаридаги ҳикматлар орасида мана шундай сўзлар битилган эди: "Ҳаммадан бир айб топиб, оттириб юборсаю, ёниб кетган уйнинг мўрисидай бўлиб адабиётда бир ўзи сўппайиб қолса". Биз бу иборанинг қаҳрамони ким эканлигини билмаймиз. Бироқ 30- ва 50-йилларда "қамчисидан қон томган" бундай кишилар, афсуски, кўп бўлган. Энг ачинарлиси, улар туфайли не-не даҳо санъаткорларимиз авжи ижоди гуллаган бир фаслда жувонмарг бўлган.

Ўзбек адабиёти 30-йилларда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода, Ғулом Зафарий, Элбек, Усмон Носир сингари қатор чинорларидан маҳрум бўлди. Аммо, 1937 йилдан кейинги қисқа муҳлатда Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Раҳмат Мажидий сингари ёзувчи ва публицистлар адабиётимизни гўзал асарлари билан бойитди. Афсуски, бу ҳол кимларгадир ёқмади. Охир-оқибат шу бўлдики, 37-йил ойболтаси халқнинг виждони, иймони бўлган ёзувчиларнинг бўйнига туша бошлади. Ана шу жабрдийда ёзувчилар қаторида бизнинг элдошимиз Раҳмат Мажидий ҳам бор эди.

Ўша қирғин йилларида унга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳайъати қуйидаги айбни қўйганди:

"Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Раҳмат Мажидий кўп йиллар давомида ўз адабий фаолияти билан ўзбек совет адабиётига зарар келтириб, унинг ўсиши ва тараққиётини ҳар томонлама тўхтатиб келди. Унинг паст ғоявий ва бадиий савиядаги, мазмунан қашшоқ ва шаклан заиф кўплаб асарлари феодал ўтмишни идеаллаштириб, тарихий воқеаларни миллатчилик нуқтаи назаридан талқин этиб, тарихий ҳақиқатни бузиб келди..."

Ана шу ноҳақ туҳматлар натижасида айбсиз айбдор сифатида 1941-йилнинг декабрида узоқ Сибирнинг совуқ ўлкаларга сургун қилинган маърифатпарвар ёзувчи Раҳмат Мажидий қамоқда ётган оғир дамларида ўз бўйнидаги тавқи лаънатни олиб ташлаш учун 1947-54 йилларда уч маротаба ариза ёзади.

*"Муҳтарам Иттифоқ Прокурори! Мен 1941 йил 18 декабрда қамоққа олиндим. Бу пайтда мен СССР Фанлар Академиясининг Ўзбекистондаги филиали бўлган тил, адабиёт ва тарих институтида илмий ходим бўлиб ишлаётган эдим.*

*Мени дастлаб таслимчилик тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда айблашди, лекин буни тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил келтиришмади. Мендан фақат бу мавзуда кимлар билан суҳбатлашганлигимни айтишни талаб қилишди. Бундай воқеалар бўлмагани учун мен ҳеч нима дея олмадим. Шунга қарамай мени туну кун тақиқланган тергов усуллари билан қийнашди.*

*Мен чидадим. Халқ комиссари қабулига киришни талаб қилдим. Чунки менга нисбатан бундай муносабат ўзбошимчалик оқибати дея ўйлаган эдим. Ниҳоят мени Халқ комиссари ҳузурига олиб боришди. У мени мутлақо эшитмай дарров менга... унинг ҳақоратдан иборат сўзларини мен бу ерда келтира олмайман...*

*Мен ирадасиз мавжудотга айланиб қолдим. Менга қандай ва нима ҳақида гапириш тўғрисида мавзу ва топшириқ беришарди. Стенографист ҳам тайинлашди. Мен тўқиб чиқарилган кўргазмалар бера бошладим. Ўзимни ҳеч қачон қилмаган, тасаввур ҳам этолмаган "жиноятларим" тўғрисида айбдор деб тан олардим.*

*Сиздан эътибор этишни сўрайман. Агар хотирам алдамаса, тергов протоколлари мен қамоққа олингандан кейин 2 ойдан сўнг расмийлаштирила бошланди. Бу протоколлар менинг ёлғон кўрсатмаларим асосида шундаям ўзгартирилган ҳолда расмийлаштирилган. Тергов жараёни уларда менга нисбатан ҳеч қандай далил, исботлар йўқлигини кўрсатди. Эмишки, мен таслимчилик характеридаги антисовет пропагандасини олиб борган эмишман. Эмишки, мен душман кучини ошириб бизнинг ғалабамизга ишонмас эмишман. Бошқа гувоҳлар, жумладан, профессор А.Ю.Якубовский (биз у билан бир квартирада яшаганмиз) ва партия аъзоси Алихўжаевлар эса мени ҳеч қачон таслимчилик кайфиятида бўлмаганимни тасдиқлашган.*

*Шундай қилиб, қамалишимга сабаб бўлган айб ўз-ўзидан йўққа чиқмоқда. Менинг кўргазмаларимнинг қай усулда бўлгани сабабини сизга тушунтирдим.*

*... Ўртоқ Прокурор. Сиздан илтимос, менинг ишимни батафсил ўрганиб чиқсангиз, бу ёлғон туҳматларни бекор қилсангиз..."*

Дарвоқе, ўша қатағон йилларида Раҳмат Мажидий ҳам барча ўзбекистонлик зиёлилар қатори қилмаган гуноҳлари учун айбсиз айбдор сифатида қамалиб, ана шу тариқа кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирган жабрдийда ёзувчилардан бири эди. Бу пайтда унинг оиласи "халқ душмани"нинг оиласи сифатида уй-жой, мол-мулкидан мосуво қилиниб, Тошкентдан чекка жойларга қувғин қилинган эди. У қамоққа кетгач, хотини Гулчеҳра болалари билан Хоразмга она қишлоғи Чондирқиётга келиб яшай бошлади. Азоб-уқубатларга чидай олмай, руҳий хасталикка чалинди. Қизлари Ойдин, Бўстон ва Ширинлар момоси Дуржон момо бағрида хавотир ва ҳадик билан ҳаёт кечиришди. Бироқ ҳаётга бўлган чанқоқлик уларни очлик ва қаҳатчилик йилларидан омонэсон чиқиб олишларига мадад берди.

"Осмон узоқ, ер қаттиқ", деганларидек, Сталиннинг вафот этиши барча жабрдийда кишилар қатори Раҳмат Мажидий ва унинг оиласи бошига ҳам қуёш нурини сочгандек бўлди. Раҳмат ака узоқ Сибирдан оиласи яшаётган қишлоққа қайтиб келди. Чунки, унинг бутун мол-мулки, уй-жойи давлат мулкига ўтганлиги сабабли ноилож қайнонасининг уйидан паноҳ топганди.

Хотини Гулчеҳра Султонмуродованинг опаси Марям хоним Султонмуродова Хоразмдан чиққан биринчи дипломли журналист ва ҳамшира эди. Ўша пайтда Марям опа ҳам Германияда ўқиб келган зиёли аёллардан бири эди, Тошкентдаги қатор редакцияларда ишлади, "халқ душмани", "Ватан хоини" сифатида салкам 20 йил давомида Сибирдаги турли қамоқхоналарда ётди, озодликка чиққандан кейин ҳам маърифат даргоҳларида ишлаш маън қилиб қўйилди.

Р.Мажидий ноилож 4-5 ойларча қишлоқдаги "Пахтакор" колхозида табелчи бўлиб ишлаб, тирикчилик қилди. Орадан сал вақт ўтгач, Раҳмат акага Тошкентда қамоқда ўтирган 12 йили учун иш ҳақи тўланиб, ўша пуллар унга юборилади. У бу пулларнинг бир қисмини ўз дўст-ёрларига зиёфат қилиб бериб, қолган кўп қисмини шоир ва мироб Огаҳий бобомизнинг халқ қўлида сақланиб қолган қўлёзмаларини сотиб олишга сарфлади. Чунки бўлғуси олим бўш юрган 4-5 ойида улуғ шоиримизнинг мероси билан кенг шуғулланиб, Хоразмнинг барча шаҳру қишлоқлари, хусусан Огаҳий яшаб, таваллуд топган Хива шаҳри қишлоқларидаги инсонлар билан тил топишиб, унинг халқ қўлидаги ва қабристонга кўмилган қўлёзмаларини ҳам сотиб олиб, ўзини адабиёт илмига бахшида этди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у ўзи яшаётган Чондирқиёт қишлоғидаги мактабда ёшларга адабиёт ва тарихдан дарс бера бошлайди. Кейинчалик Урганч кутубхонасида ишлади. Раҳмат акани шу йили Тошкентга ишга чақиришади. ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институтида, Навоий номидаги адабиёт музейида, қўлёзмалар институтида илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида ишлаб атоқли олим, давлат арбоби сифатида танилиб, кўплаб шогирдларга устозлик қилди. Ўзбек адабиёти тараққиёти учун жон куйдириб, меҳнат қилди.

Раҳмат ака ўз Ватанининг ҳалол, виждонли илм фидойиси эканлигини ҳар жиҳатдан исботлади. Энг муҳими, у ўзбек адабиётининг фидойиси, танқидчи-адабиётшунос олим бўлиб етишди. 1961 йили "Огаҳий лирикаси" мавзуидаги илмий ишини муваффақиятли ёқлади. "Таъвизул ошиқин" девонини чоп эттиришга тайёрлади. Шу билан бирга кўп томлик "Ўзбек адабиёти" (5 том) хрестоматиясини, "Ўзбек шеърияти антологияси"ни (5 том), шунингдек, 15 томлик А.Навоий асарларини ўзбек тилида ва 10 томлик асарларини рус тилида тайёрлаш ва таҳрир қилишда фаол иштирок этди. "Ўзбек адабиётининг тараққиёти йўли", "Огаҳий лирикаси", "Истеъдод ва бурч" сингари қатор китобларни ёзиб, нашр эттирди.

Олимнинг номини абадийлаштириш мақсадида унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятига бағишланган "Нурли йўл" китоби ва уй музейи ташкил этилмоқда. Ўзбек шеъриятининг улуғ шоири Усмон Носир айтганидек:

***Баргдек узилиб кетсам,***
***Унутмас мени боғим.***
***Ишимни ҳурмат қилур,***
***Гуллардан ҳайкал қурур.***
***Минг йиллардан кейин ҳам***
***Унутмас мени боғим!***

**Шарқия ЭШЖОНОВА,**
**Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Урганч шаҳри ва тумани бўлими раиси,**
**Эрпўлат БАХТ,**
**журналист**



## Қисса
# Жиноят фош этилади

**Довуд МАҲДИЙ**

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Кимё заводининг қибла тарафидаги фермер хўжаликлари чўзилиб кетган кенг ҳудудга боришди. Кумушдарё тўлиб оқади. Тиллакўрғон сув омбори қуйиб юборилганлиги, сизот сувлари қўшилганлиги дарё маҳобатини янада оширган.

Қирғоқдан сал нарида плиталари қийшайиб қолган ташландиқ дала шийпони, берироқда пахсадан қурилган чайла.

Қирғоқда насос ўрнатилган бўлиб, қувури сувга туширилган. Шу орқали фермер хўжаликлари далалари суғорилади.

Воқеа жойи кўздан кечирилди. Қотилликнинг биронбир аломати кўзга ташланмайди. На қон изи, на жиноят қуроли бор.

Эртаси куни гумондорлар олиб келинди. Қиш совуғи этни жунжиктиради. Улар қилмишларини «кўрсатиб» беришди. Гўё кечаси иккаласи Сарсонсойдан «Урал» русумли мотоциклда келишган. Чўпоннинг бошига уриб, қўл-оёғини боғлаб, сувга отиб юборишган ва молларни ҳайдаб кетишган. Бири чўпонни ўлган деса, бирови ўлмаган дейди.

Иш чалкаш. Ўлдирилган бўлса, ўлик қани? Кеча прокурор қасддан одам ўлдириш жиноятини аломатлари билан жиноят иши қўзғатди.

Тергов назоратига янги келган бир ходим танбеҳ берди:

— Нимага қотиллик деб жиноят иши қўзғатдингиз? Ўзи қасддан одам ўлдириш ўтган йилга нисбатан биттага ошиб турган бўлса... Чўпон бир жойдан чиқиб келса, нима қиласиз?

— Мен нима қилай, одам ўлган-ку ахир.

— Очилмай қолса-чи?

— Очилади? Майли, ҳеч ким ёрдам бермасин, ўзим очаман.

— Катта кетманг.

— Катта кетсам-кетмасам, очилади. Ҳеч иш қилмасам қилмайман, аммо фош этиш чорасини кўраман.

«Ўзинг ёшсан, ука, мунча ҳовлиқасан, баландда турган доим ҳамма нарсани билавермайди-ку. Бироз ўзимга ҳам қўйиб беринглар».

Вилоятдан келган вакил билан дарё бўйига чиқишди. Юлғунлар оралаб юришди. Кийимлар роса расво бўлди. Шерзоднинг сонидаги яқинда кестириб даволатган яра очилиб кетди. Қон докадан ўтиб, шимдан сизиб чиқди. Катта қизғиш доғ пайдо бўлди.

Қон тўхтамади. Хотинининг қўли кир ювишдан бўшамай қолди. Яна ўша шифохонага борди. Ҳамма югуриб қолди. Бу ташриф сабаб «бемор» шифохона «даволаниб», оқ халатли ёш ҳамширадай гўзал қиёфа касб этган эди. Яхшилик қилганга мурувват кўрсатиш керак.

Нима бўлган эди, дерсиз. Прокурорнинг мазаси қочиб қолди. Узоқ жойга — даволанишга кетса, ходимларга қийин. Делони тасдиқлатиш ё санкция олиш учун қўшни туман прокурорига қатнаш керак. Оёқни операция қилиш керак, дейишди. Прокурор ўзини қийнаб юрган ярани шу ерда кестирди. Бўларкан.

Аммо, шароит оғир. Жонлантириш бўлими биносининг оҳаклари тушиб, ҳамма жойни сичқон, суварак босиб кетган. Бўлимда ҳатто ҳожатхона йўқ. Оёқда турадиганлари ҳовли четига зўрға бориб келишади, туролмайдиганларнинг ёнида ётганлар ташқарига тувак кўтариб чиқишади. Шундай ҳам бўладими? Прокурор узоқ-яқиндан кўришга келган оғайниларидан уялар, биров «Сизга келишди» дейишса, полларни «тап-тап» тепиб, суваракларни қочирар, сичқон чиқиб қолмасин деб юрагини ҳовучлаб ўтирарди. Даволаниб чиққач, ҳокимлик залида казо-казоларни йиғдирди.

— Сиз қаерда даволандингиз?

— Тошкентда.

— Сиз-чи?

— Самарқандда. Мазаийз бўлмаган экан, узр, келолмадик.

— Узрга ҳожат йўқ, бемалол, бемалол...

— Мен Олчазорда ётдим. Нима учун ҳаммангиз четда даволаниб келаяпсизлар? Бизларнинг дўхтирлар даволай олмайдими?

— Даволайди, шароит яхши эмас.

— Шароитни ким қилиши керак? Ўзимиз эмасми? Худойи қиласизларми? Элга ош берасизларми? Қанча сарфу харажат. Ўшанинг бир қисмини касалхона ремонтига ажратайлик. Худо ҳам рози бўлади, бандаси ҳам.

Ўша куни катталар шифохонанинг жонлантириш ва болалар бўлимларини бориб кўришди. Палаталар бўлиб олинди.

Синган эшик ўрнига янгиси қўйилди, дарз кетган ойналар бутуни билан алмаштирилди. Водопровод уланди, ҳовуз тозаланди, гуллар экилди. Инчунун, бахри дили очилган бемор тез тузалади.

Кушеткада ётган прокурорнинг хаёлидан ҳаммаси бирбир ўтди. Ярани фурациллин эритмаси билан ювишиб, малҳам қўйишди. Кўп юрмасликни маслаҳат беришди. Қани иложи бўлса. Ахир, ҳали жиноят очилмаган.

Бир куни вилоятдан ғаввос чақиришди. Орқасида иккита кислород балончаси ўрнатилган икки-уч киши келишди. Қирғоқда ҳар-ҳар жойда олов ёқиб туришибди. Қор аралаш ёмғир ёғаётганлиги учун бу юмуш ҳам бир азоб. Қирғоққа арқоннинг бир учини боғлашиб, секин сувга шўнғишади. Совуқ сувга тоқат қилолмай тезда қайтиб чиқишади. Оловда бироз исиниб, яна сувга кириб кетишади. Сув ўтмайдиган кийимларини қамиш кесиб кетади, скоч билан ёпиштиришади, яна кўтарилиб кетади. Тоза ғалва. Қиш куни эмасми, ҳа дегунча кеч тушиб қолади.

Сўнг кечаси билан баённома расмийлаштиришади. Воқеадан сал хабардор кишилар сўроқ қилиниб, дело қоғоз билан «семиртирилади». Акс ҳолда «Орадан шунча вақт ўтибди-ю, бор-йўғи шунча тергов ҳаракати ўтказилибди» деб савалашади.

Соат 2-3 ларда уйга боришади, бироз ухлаган бўлиб, яна прокуратурага келишади. Бош котиб мисдай бўлиб қолади. Мастга ўхшаб юрасан. Нима қилиш керак? Жўяли фикр берадиган одам топилса, қани.

Юз йил яшасанг ҳам, Олчазор табиатини билмаслигинг мумкин. Дарёнинг ичида қайиқ билан юриб бўлмайди. Қирғоқни шўр босиб кетган, ботқоқ, машина ғилдираклари айланган сари чўкиб кетаверади. Кутилмаганда оёқ остидан ёввойи ҳайвон чиқиб қолади. От ҳуркиб кетади. Фақат эшак билан юрса бўлади.

Бир неча кун эшак миниб, дарё бўйлаб кезди. Карим бобонинг кўк ҳангисини сўраб олди. Невараси мактабдан қайтиб, қўйларини дарё ёқасига ҳайдаб келади. Эшакдан тушиб, яна ҳананинг устидан янги юмшоқ тагликни тўшаб, айилни икки марта айлантириб боғлайди. Ҳарачўпни прокурор тоғага тутқизади. У бундай хизмат қилганидан мамнун. Мактабдаги ўртоқларига роса мақтанади-да. Эшакнинг орқасидан эшакдек оқ ит «Йўлбарс» эргашади. Жуда ювош ит. Одам билан иши йўқ. Аммо дайди кучукни кўрса, ғажиб ташлайди. Эшак тумшуғи билан йўл очиб бораверади. Таранглашган юлғун гоҳ юзингга, гоҳ елкангга келиб шартиллаб урилади, кўкартириб юборади. Қаердадир шоқол улийди. Эшак қулоғини динг қилиб ҳайкалдай қотиб қолади. Минг урсанг ҳам қимирламайди, фақат қалтирайди.

Ўшанда оёқлари узилиб тушгудек бўлиб қайтиб келди. Хўжайинининг олдига келган эшак нимададир шикоят қилгандек, тортиб-тортиб ҳангради. Уни қўйларининг олдидан юриб келган болакайга топширди. Бироз оёғини кериб юрди. «Кутиб туриш керак эди. Нега машина йўқ. Шофёр ҳам жонга тегди. Гапга тушунмайди. Гарангми?».

Йўлдаги янги қип-қизил «Нексия»га кўзи тушади.. Ойналари қорайтирилган. Номеридан билди. ИИБ бошлиғи ўринбосари. Деразасини «тиқ-тиқ» урди. Эшиги очилиб, машинадан тушиб келди.

— Прокуратурага борувдим, ўша ёққа кетган дейишди.

— Куни билан эшак миниб юриш, «Нексия»да ястаниб ётиш дегани эмас экан.

— Нима қиласиз мунча ўзизди қийнаб? Келдим. Қарадим, кўринмадингиз. Бироз дам олай деб, сал чўзилган эдим, ухлаб қолибман.

— Ҳа, майли кетдик. Тезроқ ҳайда! Печкангни қўш, яхлаб кетдим. Кўҳна шаҳардаги масжид дарвозаси топилдими?

— Топилди, Шерзод ака.

— Ким қилган экан?

— Ўша қишлоқдан 2 йигит. Бировининг отаси Россияга, бировиники Қозоғистонга кетган экан.

— Меҳнат бўлими билан биргаликда аъзолари четга кетган оилаларнинг рўйхатини қилиб, алоҳида назоратга олиш керак. Турли хил ёвуз ниятли оқимлар пайдо бўлган... Айтиб бўладими?...

— Уни қилаяпмиз, Шерзод ака.

Милиция ходимига тегишли тавсияни берди-да, прокуратура биносига кириб, чап томондаги хонага қаради.

— Ҳа, эшон бобо, ўтирибсизми?

Девқомат Мирсаидмуҳаммад полвон кичкина ялтироқ бошини қашлаганча ўтирарди.

— Ҳа.

Чайқалиб ўрнидан турди. Боши шипга теккудек.

— Хомуш кўринасиз.

— Судда бир бечорага адолатсизлик қилишди.

— Нима бўлди?

— Эгаси ташлаб кетган уйга бирови эшикни бузиб кириб, эшак ҳам ётишдан ҳазар қиладиган шолча, бир-иккита ишлатилган совун олган. «Проникновение» эмиш. Ўзи нима дегани бу? Бечоранинг биринчи марта судланиши, айбига иқрор, пушаймон, жуда камбағал, бир қари отаси бор. Унинг хулқини назорат қилиш орқали ҳам тузатиш мумкин, шунинг учун шартли ҳукм қилиш лозим десам, 4 йил бериб юборди.

— Протест тайёрланг, қўл қўйиб бераман. Хафа бўлманг. Насиб бўлса, қор-пор ёғса, жавоб бераман, қуён овига чиқиб келасиз. Ўзингиз айтганингиздек, «мажлиси» устидан тушиб қолсангиз, бир отишда ўнтасини оласиз.

— О-о-о, ичим бўлинг-е. Ҳар кун осмонга қарайман, қор ёғармикан деб.

— Судга келсак, судья ёмон одам эмас. Ёмон судьяни ман кўрганман. Бировлар бировга ёмонлик қилдим деб, яхшилик қилганликларини билмай қолишади. Бир вақтлар қизиқ бўлганди. Судда котиб бўлиб ишлардим. Раисдан «Юридическийга кирмоқчиман, рухсат беринг» десам, «Сенга шу иш ҳам ортиқчалик қилаяптими? Нима қиласан Тошкентда, индамай юравермайсанми?» деди. Яширинча ҳужжат топширганман. Самолётга «тудаобратно» қилиб билет олганман. Сиртқига топширдим. Иншодан йиқитишди. Аппеляция комиссиясига шикоят бердим. Фойда қилмади. «Домла, аппеляциянгизни апелсинчалик ҳам қадри йўқ», деб чиқиб кетганман. Шу гапимни «Ёшлик» журналига ёзибди. Ҳозирги ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадилар, дебди. Ҳамма мани «журналга чиқибсан» деб табриклашганди ўшанда. Ҳужжатимни шартта олиб, кундузги бўлимга топширдим. Адолат бор экан. Барибир ўқитувчи халқи инсофли. Бир нима билсанг, йиқитмайди, уч бўлса ҳам қўйиб беради.

Ўқишга кирганимни айтсам, судья ҳайрон.

— Қачон имтиҳон топширдинг, — дейди.

— Раис бобо, имтиҳонни телефон орқали топширдим, шундай қилса ҳам бўларкан, — дедим.

Майли. Кўп гапириб юбордим. Эшон бобо, сизни кўрсам, юрагимни очгим келади. Лекин жиноят очилмаяпти. Жума куни Касбига — Султон Мир Ҳайдар отага борайлик.

— Бўпти.

Шерзод кабинетига чиқиб кетди. Зум ўтмай изидан милиция бошлиғи кириб келди. У хаёл қилди.«Одамни қон қилиб юборди-ку. Қишда ҳаво очилса очилади, унинг қовоғи очилмайди. Чорасини кўриш керак».

— Э, тўхтатиб ташланг, — деди бошлиқ. — Ўлган ўзи бир сассиқ чол бўлса... Барча оператив чоралар кўрилди деб, ҳужжатларни расмийлаштириб бераман. Барибир топилмайди. Нима, шунинг учун сиз билан мани чиқариб отармиди?

— Отишга-ку отмайди, жиноятни очганда ҳам мукофот беришмас... аммо, азоб есак ҳам, жиноятни тўлиқ фош қилсак, кўп йиллар ўзимиздан ўзимиз рози бўлиб юрамиз. У сассиқ чолми, хушбўй гўдакми, барибир инсон. Уни ҳам қонун ҳимоя қилади.

— Келинг, эртага иккаламиз бир чиқайлик-чи.

— Вилоятда муҳим ишим бор-да.

— Нима, милиция учун жиноятни фош этиш муҳим эмасми? Йигитларга айтинг, эртага Юрани топишсин, иккита қайиқ олишсин, бири моторли, бири эшкакли бўлсин. Милтиқ ва у-бу егулик олишсин, кеч қолиб кетишимиз мумкин. Бўри, тўнғиз кўп, милтиқ қаерда эканлигимизни билдириб туришимиз учун ҳам керак. Бизлар сув оралаб кетамиз, бошқалар машина билан изимиздан боришсин. Бир титиб чиқайлик.

*(Давоми бор)*

**Болалар спорти фидойилари**

***Ҳар бир касб ёки ҳунарнинг ўз усталари, фидойи-жонкуярлари бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Иқтидори бор бола ҳам мураббий кўмагисиз ҳеч нарсага эриша олмайди.***

***Кўпчиликнинг наздида мураббийлик анча ҳавойи ишдек туюлади. Тўғри-да, шогирдларнинг бири бўлмаса, бошқаси бир кун келиб чемпион бўлади. Агар халқаро майдонларда зафар қучса борми! Берди Худо деяверинг. Лекин ўша кунларга етгунча... Мураббийлик жуда машаққатли, сабр-тоқатни талаб этадиган касб. Буюк донишмандлардан бири "Ҳамманинг ҳаққини адо этишим мумкин. Ҳаттоки ота -онамнинг ҳам. Бироқ устоз-мураббийларим ҳаққини ҳеч қачон адо этолмасак керак" деган экан.***

# Ҳақиқатга айланган мақом



**ТАНИШУВ**

Абдувоҳид Юнусов билан 2002 йилда Фарғона вилоятига хизмат сафарига борганимда танишиб қолганман. Абдувоҳид ака Ўзбекистон тумани ҳокимиятида жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси бўлиб ишларди. Ўшанда у киши менга ҳамроҳлик қилган спорт мактабларида, тўгаракларда олиб борилган ишлар билан танишиб қайтгач, танқидий руҳдаги мақола ёзгандим.

Кейинчалик Абдувоҳид ака билан спорт мусобақаларида тез-тез кўришадиган бўлиб қолдик. У киши кураш бўйича республика тоифасидаги ҳакам сифатида турли мусобақа ва спартакиадаларда иштирок этарди. Мақола чоп этилгандан кейинги учрашувимизда ўша воқеа ҳақида лом-лим демади. Агар у кишининг ўрнида бошқа одам бўлганида, билмадим, туманимиз спорт соҳасида вилоятнинг энг етакчи жамоаларидан бири-ку, деб қийин-қистовга олган бўлармиди...

— Юртбошимизнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармонидан сўнг жойларда аҳвол тубдан ўзгарди, — дейди Абдувоҳид ака. — Чекка-чекка ҳудудларда ҳам янги спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Хусусан, туманимизнинг Яккатут қишлоғида янги спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда мингдан зиёд ёшлар спорт билан машғул.



Туманда 170 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Халқи жуда шинаванда, меҳнаткаш ва спорт жонкуяр дили. Шу боис бўлса керак, туман вакиллари вилоят терма жамоасининг асосини ташкил этади. Мактаб ўқувчилари "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида волейбол, белбоғли кураш, шоҳмот, футбол, енгил атлетика бўйича доимо ғолибликни қўлдан бермай келади. Бу муваффақиятларда лавҳамиз қаҳрамонининг ҳам муносиб улуши бор.

...Абдувоҳид Юнусов 1961 йилда туманнинг Дашт-чўлпон қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топган. Отаси (раҳматлик) Эргаш ака эл орасида донғи кетган полвон бўлиб, 25 йил мобайнида мактабда ўқитувчилик қилган. Тўққиз нафар фарзандни вояга етказган. Тўрт ўғилнинг ҳаммаси спортнинг белбоғли кураш тури билан шуғулланган. Қаҳрамонимиз мактабни битиргач, 1980 йил Косонсой педагогика билим юртини, 1990 йил Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини сиртдан ўқиб битирган. Талабалик йилларида белбоғли кураш бўйича Республика ва Марказий Осиё чемпионатларида гиламга чиқиб, бир неча бор шоҳсупага кўтарилган.

**СУЛОЛАНИНГ БЕШИНЧИ АВЛОДИ**

Одатта, бир касб ёки ҳунарни ота-бобосидан ўрганган ва бу ҳунар авлод суриб келаётган бўлса, бундай одамни халқ орасида "устозода" дейишади. Бу ҳақиқатга айланган мақом кураш тушиб юрган полвонларда ҳам қўлланиб келинади. Уларда бундай мақом "полвонзода" деб аталади.

— Муборак ҳадисда ёзилишича, инсон ўз фарзандига "Камон отиш, кураш тушиш, от чоптириш, сузиш ва қиличбозлик"ни ўргатиши фарз, — дейди полвон. — Шундан келиб чиқиб оталаримиз бизни жисмоний тарбия ва спортга ошно бўлишга ундаган. Ўзлари бу йўлда бизга ибрат кўрсатган. Мен полвонлар сулоласининг тўртинчи авлодиман ва бундан фахрланаман. Камол топаётган фарзандларим, насиб қилса, бешинчи авлод бўлади.

Аслида қаҳрамонимиз бироз камтарлик қилди. Қизларининг каттаси Дилрабо уч карра Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган. Бу йил Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди.

— Албатта, курашчи оиласида улғайганим ҳаёт йўлимни танлашимда муҳим рол ўйнади, — дейди Дилрабо. — Гарчанд, мураббийлик қизлар учун анча қийин касб саналса-да, бундан чўчимайман. Чунки бу ишда катта маслаҳатчим, дадажоним борлар. Худо хоҳласа, Ватанимиз спорт шуҳратини оламга таратишга ўз ҳиссамни қўшаман.

Қизларнинг ўртанчиси Дилбар ёшлар ўртасида белбоғли кураш бўйича икки марта Республика чемпионидир.

— От ўрнини той босади, деганларидек, кенжа қизим полвонлик борасида ўзимга тортган, — дея кулади полвон. — Ҳаммасидан ҳам шу қизимдан умидим катта. Дилшода 14 ёшида 6 марта мамлакат чемпиони бўлди.

Оиланинг кенжатойи Абдуқодир белбоғли кураш билан шуғулланади. У ҳозирданоқ ўз тенгқурлари орасида чапдастлиги билан ажралиб туради.

**ҲАМ МУРАББИЙ, ҲАМ РАҲБАР**

Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида бошлаган Абдувоҳид ака кейинчалик туман БЎСМда директор, 1998 йилдан Ўзбекистон тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида раис лавозимида ишлади. Айни пайтда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимида бош мутахассис. Абдувоҳид ака қаерда ишламасин, ўзи улғайган мактабдаги спорт залида болажонларга белбоғли кураш сирларини ўргатишни канда қилмайди. Полвонни бир кўрсангиз, Андижонда, бир кўрсангиз Тошкентда ва Хоразмда ёш болаларни етаклаб олиб, мусобақага кетаётганига гувоҳ бўласиз.

— Юртбошимиз томонидан болалар спортига кўрсатилаётган эътибор мураббий сифатида мени жуда қувонтириб келади, — дейди у ҳаяжон билан. — Нафақат болалар учун, балки катталар учун ҳам бадантарбия ва спортнинг фойдаси беқиёс. Бугун тараққиёт замонида яшаяпмиз. Жисмоний меҳнат ўрнини техника ва технологиялар эгаллаяпти. Инсон кам ҳаракатлилиги боис касалликка чалиняпти. Агар ҳар биримиз ишдан кейин ҳеч бўлмаса ярим-бир километр югуриб, турникда уч - тўрт тортилиб, енгил бадантарбия қилсак, касаллик биздан қочиб кетади.

Табиатан сипо, камтар ва камсуқум Абдувоҳид полвон ҳақида кимдан сўрасангиз, "ажойиб спорт жонкуяри" деб жавоб беришади.

— Полвонни кўпдан буён яхши биламан, — дейди белбоғли кураш бўйича терма жамоа бош мураббийи Шавкат Мирзақулов. — Ўзи пойтахтдан анча олисда яшаса-да, кураш мусобақаларида ҳакам сифатида фаол иштирок этади. Айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турнирларга доимо шогирдларини олиб келади. Бу инсон том маънодаги кураш фидойиларидан.

Ўз касбининг устаси бўлган мураббий мустақилликка эришганимиздан сўнг 17 нафар спорт устаси тайёрлади. Яна 31 нафар шогирдлари республика чемпиони унвонини қўлга киритиб, олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кирди. Шогирдларидан Иқбол Мамажонов, Ҳошим Муҳитдинов, Муҳаммадали Музаффаров, Феруза Турдашева ва бошқалар устоз ўгитларини ёшларга ўргатиб келяпти.

Яқинда яна Абдувоҳид акани учратиб қолдим. Елкасига спорт сумкасини илиб олган, бир гуруҳ ёш курашчиларни етаклаб олибди.

— Ўратепа шаҳрига кетяпмиз. Кураш турнири бор экан. Болаларни ўзим олиб бормасам, кўнглим жойига тушмайди.

**Абдулҳай МАМАЖОНОВ**



*А.Юнусов (ўнгдан биринчи) Фарғона шаҳрида ўтган қишлоқ меҳнаткашларининг анъанавий спартакиадаси қатнашчилари билан.*

Истеъдод

*Сир эмас, бизда мўйқаламга меҳр қўйган аёллар бармоқ билан санарли. Дилоромхон улар орасида ўзига хос услуби билан алоҳида ажралиб туради.*

*У илк суратини чизганда ҳали мактаб остонасини ҳатламаган қизалоқ эди. Бир куни онаси расм китоби олиб келди. Ундаги суратларни ёш қаҳрамонимиз рангли қаламларда бўяб, онасига кўрсатади, бироқ онаси бунга ишонса,қани?! Шунда қизалоқ дафтар муқовасидаги машҳур шоир Ғафур Ғуломнинг суратини онаси кўз олдида оппоқ қоғозга чизиб беради. Бу — Дилоромнинг илк "ижоди" эди.*

# ЁШ РАССОМНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Дилором ўрта мактабдан сўнг лицейда ўқиди, кейин эса Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти "Ранг тасвир" бўлимида таҳсилни давом эттирди. Устозлари Раҳим Аҳмедов, Бахтиёр Бобоев, Алишер Мирзаев, Акмал Нуриддиновларнинг сабоғи унинг профессионал ижодкор бўлиб шаклланишида катта аҳамият касб этди. Ҳали учинчи курсдалигидаёқ "Илҳом" театрида илк шахсий кўргазмаси бўлди. Ўқишни битиргунга қадар яна бир кўргазма қилишга улгурди. Санъат музейида ўтказилган "Қуёшли шаҳар", "Ҳаётим мазмуни", Республика Бадиий академиясидаги "Эски шаҳар" каби кўргазмалари мухлис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Рассомнинг аксар асарларида пойтахтнинг Эски шаҳар мавзеси тасвирланган.

— Эски шаҳар бугун таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган. Унинг аввалги қиёфасини асарларимда муҳрлаганимдан бахтиёрман, — дейди Дилором Мамедова.

У Гулистон, Самарқанд, Жиззах ҳамда Тошкент вилоятининг Чимён тоғларида бўлиб, у ердаги қишлоқларни, тоғли ҳудудларни асарларида тасвирлашга уринади. Ёш мусаввирнинг асарларига хорижликлар ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Унинг бешинчи бор ташкил этилган кўргазмасида иштирок этган лондонлик коллекционер учта асарини сотиб олди.

Республика санъат музейи эса иккита ижодий ишига харидор бўлди. Дилором шу кунгача мингдан ортиқ асар яратишга муваффақ бўлди. Миср, Россия, Италия ва Украинада бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда унинг бир нечта асарлари намойиш этилган. Машҳур ижодкорларнинг асарлари жой олган "Дунё рассомчилик санъати" китобида ҳам унинг ижод намуналари ўрин олган.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

Ҳажвия

# ИЖОД ДАРДИ

Баъзи шоирлар шеъри кўнгилдагидек чиқмагани учун хуноб бўлиб юрадилар. Камина учун эса бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ. Қайси вазнда бўлмасин, эркинми, бармоқми, арузми барибир, хамирдан қил суғургандек гап. Қаламдан қуйилган ҳис-туйғулар ўйноқлаб жой-жойига тушаверади.

Бир куни денг, газетада «Учрашув» сарлавҳали шеърим босилиб чиқди. Қанот боғлаб хотиним ёнига учдим.

— Хотинжон, ҳой хотинжон! — дедим энтикиб. — Бунга қарагин. Мана, остига тахаллусимни ҳам ёзиб қўйибди. Шоирий! Қалай? Зўр жаранглайди-я!

— Ошиқона шеърингизни ўқидим. Зўр! — деди хотиним икки қўлини белига тираганча тебрана-тебрана. — Менга қаранг. Бу деймаан, қайси Ойдин билан ой зиё тўшаган тунда дарё ёқалаб сайригашт қилиб юрибсиз? Шакаргуфторлик қилиб юрибман денг. У қаерда ишлайди? Ёши нечада? Кимнинг арзандаси? Мен сизга ой зиё тўшаган тунни шундай кўрсатайки, кўзингизга дунё қоронғу бўлиб, тонгни қаршилаш насиб этмай, армонда қолинг...

Нима қилай, азизлар? Ижод дарди оғир. Аммо шеър ёзмасам туролмайман. Қандай қилиб бўлса ҳам хотинимдан дашном эшитмай, аксинча, уни хурсанд қиладиган шеър ёзиш устида бош қотира бошладим. Ниҳоят топдим. Илҳомим жўшиб, «Сени кутаман» сарлавҳали ишқий шеър ёзиб, таҳририятга йўлладим. Унда қаҳрамонимнинг исми хотинимнинг номи билан аталган. Шеър қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Булоқ бошидаги сирдош мажнунтол
Соатлаб кутганимга гувоҳ, Ойжамол!...

Мана энди кўнгли жойига тушса керак, деб ўйладим.

Шанба куни концертга бориш ниятида иккита чипта олиб, уйга қайтаётган эдим, хотиним қўлида газета билан мени қарши олди. «Шеърим чиқибди» деб хурсандлигимдан хотинимни қучмоқчи бўлган эдим, у кўкрагимга панжа босди:

— Хў-ў-ўш, хўжайинжон, жуда қизиқ-ку, — деди у газета билан елкамга уриб. — Қачон сиз мени булоқ бошидаги мажнунтол остида соатлаб кутган эдингиз? Аксинча, мен сизни кутар эдим-ку! Яна қандоқ денг, гулдаста билан эмиш. Бўлмаган гап. Менга бирор вақт гул тугул ялпиз ҳам тутганингиз йўқ. Фақат байрам кунлари кинога деб иккита чипта олар эдингиз, холос. Ҳамма гапларингиз қип-қизил уйдирма.

Бутун вужудимни иситма хуружи қамраб олди. Аммо тезда ўзимни қўлга олиб, асабларимни юмшатиб олдим.

— Тушунгин ахир, жонгинам. Бу — умумлаштирилган образ, — дедим мен ўзимни оқлашга уриниб.

— Ҳо-о, ҳали мен умумлаштирилган хотин бўлиб қолдимми? Бу гапларингизни долларқувар сатангларингизга айтинг... — деб ёноқларига кафтини босиб йиғлаб бошлади.

Икки соатлик дам олиш учун мўлжалланган концерт тонг отгунча қиёмат-қойим драмасига айланди.

Ижод дардининг азоби қанақа бўлишини энди тушундим. Маслаҳат беринг, яхшилар, энди нима ҳақда ёзсам экан-а?

**Сирожиддин МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

## Донолар эмишки...

*Ширин ҳосил берур —*
*дўстлик дарахтин*
*ўтқаз, эй инсон,*
*У душманлик ниҳолин*
*юлки, бергай ғам,*
*алам, армон.*

**Ҳофиз ШЕРОЗИЙ**



*Мозийдан келади бир сир — яширин,*
*Мардлардан сўрагил мард йигит сирин.*

Бўлди ажиб ҳангомалар

# Пул йиғувчи

## ёки шунақа касб ҳам борми?

...Тўй бошланиб, ўртакаш даврани очди. Бекаму кўст қилиб безатилган дастурхон, мусиқачиларнинг даранг-дурунгидан давра қизигандан қизиди. Ўйин-кулгу авжига чиқиб, беш-олти нафар меҳмонлар рақс туша бошлади. «Қистир-қистир» ҳам авжига минди...

...Ўртакаш навбатни азиз оналарга бериб, аёл қудаларни ўртага таклиф этди. Улар фарзандларига дилларидаги энг самимий ниятларини билдиришди. Энди эса сўзларининг исботи сифатида тўйнинг ёзилмаган сценарийси бўйича рақсга тушишлари керак. Кувноқ қўшиққа қувониб ўйнаганга не етсин. Яхши ният билан пул қистиришга шайланганларнинг кети узилмасди. Ҳали қўлларини кўтариб улгуришмасданоқ кафтларга пул сиғмай кетди. Томошанинг қизиғи, кейинроққа олиб қўйилган экан. Оналар орқасидан "тезкор пул йиғиш" операцияси бошланди. Бир даста пулларни қандай қилиб олишни билмай олазарак бўлаётган йигитнинг хатти-ҳаракатлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. (Аслида у тўйнинг бошиданоқ пул йиғиш билан овора эди). Куёвнинг онаси-ку қистирилган пулларни ўзи ўша йигитга берди, лекин келиннинг онаси: "Бу пулларни менга қистиришдику, нега сизга бераман?" — деб кўнмади...

Бунга 5-6 йил бўлганлиги сабабли анча эсимдан чиққан экан. Куни кеча яна бир тўйга бордим. Ёнимда ўтирган аёл мени туртиб, "куйиб-пишиб" пул йиғиб юрган кишини кўрсатиб, у кимлигини сўради ва қайта-қайта:

— Вой, қандай шармандалик, — деб бош чайқади.

Ҳақиқатан ҳам, четдан кузатган одамга жуда хунук туюларкан.

Бу одат энди-энди русум бўлаётганида қисиниб-қимтиниб турган ёш йигитларнинг ўрнини кап-катта эркаклар эгаллагани, албатта, ажабланарлидир. Кейинги пайтларда ўша касби ҳеч қаерда қайд этилмаганлар олдингда "қора ботир"дек туриб олиб, қўлингдаги пулларни қандай чаққонлик билан юлиб олишини кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Бу эса кўпчиликнинг нафсониятига тегмасдан қўймайди. Ҳар қалай, бу "тоғни урса талқон қиладиган" эркакларнинг иши эмас-да!

Аждодларимиз ҳам тўйлар қилишган. Аммо бундай манзара кузатилмаган. Тўғри, ўша тўйларда ҳам «қистир-қистир»лар бўлган. Бироқ, у вақтларда даврадагилар "муллажиринг"ни хоҳласа чўнтагига солган, хоҳласа хонандага берган. Бу ҳолат ҳеч кимни ўйлантирмаган ҳам.

Энди-чи? Тўйдаги хизмат ҳақлари учун фалон сўмни олган қўшиқчи-ю, отарчилар топганлари етмагандек ўртада ўйнаётганларга қистирилган пулга ҳам худди "оч бўридек" ташланаётгани кўнгилни қолдирмоқда. Борига қаноат қилмай, ҳаттоки, пул йиғиш учун алоҳида киши ёллаб, очиқчасига андишасизлик йўлига ўтиб олишгани нимаси ахир! Энг ачинарлиси, номи чиққан, ҳаттоки, хизмат кўрсатган артистлар ҳам бундай номаъқул ишни ўзларига эп кўришмоқда.

Савол туғилади: дунёнинг бошқа халқларида ҳам бундай ажабтовур одатлар мавжудми?

Олдин Тошкентда яшаган, кейин юртига кўчиб кетган бир танишим билан телефон орқали суҳбатлашдим. У яқинда тўй қилишганини, яна янги машина сотиб олганини айтди. Тўғриси, кетганига кўп бўлгани йўқ-ку, бирданига шунча нарсага эришишнинг ўзи бўлмагандир, деб ўйладим. Аммо кейин билсам, Кавказ орти халқлари пулларини бўлар-бўлмас «қистир-қистир»ларга сарфламай, тўйга атаганини ўша хонадоннинг эшиги олдидаги қутига ташлаб кетаркан. Бу пуллар тўй ўтказиш-у, яна машина сотиб олишга ҳам етар, тўйда хизмат қилган машшоқлар эса тўй келишилгандан бошқасига умид қилишмас экан.

Ҳеч ким ҳеч кимнинг чўнтагига хўжайин эмас. Ҳамма ўзи топаётган пулни ўз билганича ишлатади. Бироқ, ҳар нарсада меъёр бўлгани маъқул. "Оқиб" келаётган пуллар бегона бўлмаслиги учун одоб-аҳлоқ, қолаверса, ғурур деган тушунчани унутиб қўйиш даражасида паст кетиш барибир уят-да! Йиллар давомида ўзбек тўйлари муносиб баҳоланиб келинган. Юқоридагидек кўнгилсизликлар эса унинг ҳуснига доғ туширмоқда.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Азилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов
Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓡ белгиси остида чоп этилади.
Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Кодирова
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев
Саҳифаловчи-дизайнер: Н.Назаров ва Ю.Михайловский
Буюртма Г— 1115 Тиражи: 7627
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 18.00
Сотувда эркин нархда 1 2 3 5 6 7 8